

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ШОДМОНОВА МУНИРА БУРХОНОВА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Шодмонова Мунира Бурхоновна Малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш	3
Шодмонова Мунира Бурхановна Совершенствование технологий развития профессиональной подготовки учителей родного языка и литературы в системе повышения квалификации.....	23
Shodmonova Munira Burxonovna Enhancing the development technologies of Professional Training of Native Language and Literature Teachers in the Professional Development System.....	42
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications.....	45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМий ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ШОДМОНОВА МУНИРА БУРХОНОВНА

**МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИДА ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент –2019

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped78 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мардонов Шукрулло Қўлдошев
педагогика фанлари доктори, профессор

Ниёзметова Роза Ҳасановна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27-уй. Тел.: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 27. Тел.: (+99871) 276-80-86); факс (+99871) 276-76-51);

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Р.Ҳ.Джураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., академик

Р.Г. Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.н.

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, п.ф.д, проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълимида малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. 1998 йил ЮНЕСКО томонидан Гамбургда ўтказилган Бутунжаҳон конференциясида катталар таълими XXI асрда «эшикларни очувчи калит» деб эътироф этилди. Буюк Британияда педагог ходимлар малакасини ошириш махсус ўқув дастурларига таяниб тренинг шаклида, Германияда сиртки, масофадан ўқитиш тарзида, Литва ва Латвияда амалий семинар, конгресслар, масофадан ўқитишни ҳам ўз ичига олган махсус тренинг курслар ташкил этилган.

Жаҳонда малака оширишнинг психологик-андрагогик омилларини ривожлантириш, ўқитувчиларда янги билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивацияни шакллантиришга доир илмий назарий ишлар олиб борилмоқда. Она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини оширишда нутқий компетентлилик ва ижодкорликка устуворлик бериш орқали ўқитувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантиришга зарурият мавжуд. Мазкур заруратдан келиб чиқиб, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар ҳамда ўқув мазмунини буюртмачилар эҳтиёжи асосида такомиллаштирилмоқда.

Республикамызда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг ҳукуқий-меъёрий асослари, моддий-техника базаси, янги таълим талаблари хорижий тажрибалар асосида яратилди. Ўн бир йиллик ўрта таълимнинг жорий этилиши ўқитувчилар малакасини ошириш тизимида ишларни янгича ташкил этишни талаб қилмоқда. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да «узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ...юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ...умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш¹» йўналиши устувор вазифа этиб белгиланган. Натижада она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган технологияларни такомиллаштириш ва малака ошириш жараёнида қўллаш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947 Фармони, 2017 йил 26 сентябрдаги «Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3289, 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-Фармони. – Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Педагог кадрлар малакасини оширишнинг назарий, психологик-педагогик ва ижтимоий-иқтисодий масалалари А.Акмалов, А.Х.Аминов, А.Р.Арипджанова, А.Д.Асқаров, У.Ш.Бегимкулов, Р.З.Зайнутдинов, К.З.Зарипов, А.Е.Ибраймов, Ж.Ф.Йўлдошев, Ш.Қ.Мардонов, М.Н.Нишанов, С.Ф.Ражабова, Д.М.Сайфуров, Т.Умнаткулов, Р.Халимметова, Х.Я.Шарифбаева, Т.Т.Шоймардонов, М.А.Юлдашев, Р.Т.Юлдашевларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

А.А.Вербицкий, М.В.Кларин, О.В.Кузьменкова, Н.В.Кузьмина, И.Д.Лушников, Л.М.Митина, Н.В.Монахов, Т.А.Платонов малака ошириш муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш масалаларини тадқиқ этганлар.

Хориж олимлари В.Holmberg, M.Dougimas, J.Daniel, J.Seaman, P.Taylor, A.Amadсолар томонидан малака ошириш жараёнида ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш, масофадан ўқитиш технологияларидан фойдаланиш назарияси ва амалиёти масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти «Узлуксиз таълим тизимида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш механизмларини жорий этиш» номли амалий (2013-2015 йиллар), «Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси» (2016 йил) фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади малака ошириш жараёнида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида хусусий-методик технологиялардан фойдаланишнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш;

малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини ошириш моделини замонавий андрагогика талаблари бўйича такомиллаштириш;

масофадан ўқитиш технологиялари воситасида ўқитувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини аниқлаш;

малака ошириш жараёнида она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштирилган технологиялар асосида ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – малака ошириш жараёнида она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари: қиёсий таҳлил, анкета, савол-жавоб, суҳбат, сўровнома, кузатиш, умумлаштириш, мактаб хужжатларини ўрганиш, педагогик прогностика, педагогик эксперимент, математик-статистика.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

малака ошириш жараёнида касбий компетенция ва андрагогика тамойилларини умумпедагогик талаблар билан уйғунлаштириш асосида она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришнинг дидактик модели шакллантирилган;

мактабда ўрганиладиган асарларнинг адабий-бадиий хусусиятлари «SWOT», «Т» чизмаси, «Тушунчалар таҳлили», «Бумеранг», «Блиц сўров», «ФСМУ», «Мулоқот» технологиялари, стационар ва масофадан ўқитишнинг умумдидактик ва андрагогик компонентлари ўзаро боғлиқлик асосида оптималлаштирилган;

ўқитувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари модели масофадан ўқитиш, тингловчиларнинг интерфаол ҳамкорлиги ва мотивацион фаолияти модулли таълимга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

масофадан малака ошириш жараёнларининг узлуксизлиги ва узвийлигидан ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантирувчи, ҳаракатчанлигини таъминловчи педагогик тизим сифатида фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талаблар тизими ишлаб чиқилган;

она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси «Мутахассислик фанлари» блокининг ўқув-методик таъминоти такомиллаштирилиб, амалиётга жорий этилган;

анъанавий ва масофадан малака ошириш курслари учун тузилган (таянч) ўқув дастури ҳамда ўқув-режасига касбий эҳтиёжлар асосида янги ўқув мавзулари киритилган;

масофадан ўқитиш орқали филолог ўқитувчилар касбий компетентлигини оширишнинг ўқув-методик таъминоти яратилган, электрон таълим ресурслари ишлаб чиқилган, улардан фойдаланиш йўллари кўрсатилган;

малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган технологиялари амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг аниқ манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан далолатланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси мазмуни, машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси такомиллашгани, тингловчилар фаоллигини таъминловчи омиллар кўрсатилгани, фанни ўқитиш стандарт даражалари, ўқувчиларда ДТСда белгиланган компетенциялар шакллантиришга қаратилганида кўринади. Ўқитувчи касбий фаолияти самарадорлигини ошириш технологиялари ишлаб чиқилгани ҳам илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти илгари сурилган фикрлар, ғоялар ва қоидаларнинг малака ошириш таълими муассасаларида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида «Мутахассислик фанлари» ўқув блокадаги «Фаннинг назарияси ва ўқитиш методикаси», «Фанни ўқитишда педагогик технологиялар», «Фанни ўқитишда ахборот технологиялари», «Танлов мавзулари» сингари модулларни ўқитиш, тизимдаги дидактик материалларни такомиллаштириш, таълим жараёнига фаол ўқитиш усуллари жорий этиш, она тили ва адабиёт ўқитувчилари фаолияти самарадорлигини таъминлашга таъсир кўрсатишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Малака ошириш жараёнида мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитишни такомиллаштиришга доир таклифлардан малака ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган малака талабларини такомиллаштиришда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 29 августдаги 01-2/1-3-351-сон маълумотномаси). Натижада она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини оширишнинг минимал мазмуни белгиланган;

она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш мазмуни «Халқ таълими муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш мазмуни ҳамда сифатига қўйиладиган Давлат талаблари» мазмунига сингдирилган («Ўзстандарт» агентлигида 2013 йил 5 мартда О`зДSt 2767-2013 3523-қайд рақами билан рўйхатга олинган). Натижада умумий ўрта таълим мактаблари она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш курси «Мутахассислик фанлари» блокинни такомиллаштиришга имкон берган;

малака ошириш муассасаларидаги принципиал ёндашувларни, субъектлар ҳамкорлиги ва тингловчининг мотивацион фаолиятини фаоллаштириш, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини оширишда «SWOT», «Т» чизмаси, «Тушунчалар таҳлили», «Бумеранг», «Блиц сўров», «ФСМУ», «Мулоқот» технологиялари амалиётга жорий этилган (ХТВнинг 2017 йил 29 августдаги 01-02/1-3-351-сон маълумотномаси). Натижада она тили ва адабиёт ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнида тингловчиларнинг билим даражаси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Тадқиқот натижалари, 5та халқаро ва 23та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 43 номда илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13та мақола, шундан 11таси республика журналларида, 2таси чет эл журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, жами 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги, зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича чет эллик ва ўзбек олимлари қилган илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси текширилган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари**» номли биринчи бобида малака ошириш жараёнида филолог ўқитувчилар касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари мазмун-моҳияти, унинг педагогик асослари ёритилган, олимларнинг муаммога доир илмий қарашлари таҳлил қилинган.

Соҳа мутахассислари фикрига кўра, ўқитувчининг шахсий ва касбий ривожланиши ўз шахсида мавжуд бўлган имкониятларни рўёбга чиқаришда намоён бўлади. Бирор фаолиятни мунтазам ташкил этиш шахсда муайян кўникмаларни ҳосил қилади. Кўникмалар фаолиятни изчил давом эттириш жараёнида малакаларга айланади. Шаклланган малака эса шахс фаолиятининг тезкор, сифатли ҳамда самарали бўлишини таъминлайди. Ишда қанчалик самарадорликка эришилса, касбий фаолият шунчалик юқори натижаларга бўлади. Шу боис касбий малакага эга бўлиш, нафақат, шахсий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Аввало, махсус билим, сўнг узок вақт

узлуксиз такрорланадиган машқлар орқали эгалланадиган тажриба ва кўникмаларни ақл-идрок чиғириғидан ўтказиб, жамлаштириш *малака* ҳисобланади.

Ҳозиргидай тезкор шароитда малака ошириш, ҳар бир соҳа мутахассиси учун табиий ва ижтимоий эҳтиёждир. Ҳар қандай мутахассис бошқалардан орқада қолмаслик учун ўзида куч ва имконият топа билиши зарур. Негаки, *касбий тайёргарлик* – таълим берувчининг муайян педагогик мақсадни амалга ошириш учун ўзида мавжуд илмий-методик билим ва кўникмаларни амалда қўллай билиш малакасига эгаллигини назарда тутадиган педагогик жараён. Хусусан, она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлиги унинг филологик билимларга эгаллиги, бадиий ижодкорлиги, нутқий маҳорати, ўқувчилар билан муносабатга кириша олишида намоён бўлиб, машғулоти педагогик жиҳатдан юқори савияда, белгиланган меъёрий талаблар доирасида ташкил эта билишни кўзда тутди.

«Ривожлантириш» кўпроқ миқдорий характерга эга тушунча бўлиб, индивиднинг шахсга хос сифат-хусусиятларни умри мобайнида мунтазам эгаллаб боришини акс эттиради. Нутқ бойиши, билим кўпайиши, ахлоқий нормаларни ўзлаштира бориши, ўзгалар муносабатлари билан ҳисоблашишга одатланиш кабилар шахс ривожланишининг белгиларидир. Таълим-тарбия жараёнида миқдорий жиҳатларга қараганда сифат кўрсаткичлари аҳамиятлидир. Ривожланиш натижасида эришилган маънавий сифатларнинг қатъийлашиб, шахс характерига айланиши ва унинг маънавий қиёфасини белгилаши *шаклланиш* тушунчасининг моҳиятини акс эттиради. Кўринадики, *ривожланиш* инсон туғилганидан умрининг сўнгигача давом этадиган узлуксиз жараён, *шаклланиш* эса ташқи ва ички омиллар таъсирида маълум фаолиятга йўналтирилган мақсадли жараён ҳисобланади. Бундан келиб чиққан ҳолда, она тили ва адабиёт ўқитувчиси касбий тайёргарлигини такомиллаштиришни ҳам шахс умумий ривожланишининг таркибий қисми ва жараёни доирасида кўриб чиқиш лозим бўлади.

Педагог кадрлар малакасини ошириш муассасаларида ўқитувчилар касбий фаолиятини ривожлантириш жараёнлари самимий, ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланиб, тингловчи ва таълим берувчи умумий жавобгар бўлиши, қизиқишлар уйғун кечиши; малака оширувчилар эътибори гуруҳларда ишлаш, ролли ўйинлар, дебат, лойиҳали, модулли таълим, тингловчининг ўзини-ўзи баҳолаши кабиларга қаратилиши лозим. Ўқитувчининг малакасини ошириш, педагогик фаолияти самарадорлигига эришишда тиклаш, тўлдириш, янгилаш ва башорат қилиш функцияларининг тўлиқ бажарилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Малака ошириш тизими ушбу жараённинг мустаҳкам ва тизимли ташкилий-педагогик асосларга эга бўлишини тақозо этади.


Малака ошириш жараёнини андрогогик ёндашув асосида ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Андрогогика – катта ёшдагиларларни ўқитиш санъати. У – катта ёшдагиларнинг ўқиш-ўрганиш жараёнидаги ўзига хосликлари, эҳтиёж ва қизиқишлари, таълим беришга тайёрлиги, билим, кўникма, малака

даражаси, дунёқарашлари, ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил қилишнинг илмий, назарий, методик масалаларини ўрганувчи фан. Таълим жараёнининг истеъмолчилари бўлмиш тингловчилар кадрлар малакасини ошириш тизимида таълим олаётган катта ёшдаги мутахассислардир. Уларни ўқитиш жараёнида андрагогик ўзига хослик ҳисобга олиниб, тингловчи билан ҳамкорликка эришиш, уларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илғор йўл ва усулларидан фойдаланиш зарур.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш мавжуд ўқув режа ва дастурлар асосида амалга оширилиб, таълим берувчида ҳам, олувчида ҳам қобилият, ижодкорлик, мустақил фикрлаш, нотиклик, объектив воқеликка ўзига хос муносабат, қиёслаш ва натижаларни тўғри таҳлил этиш каби сифатлар бўлишини тақозо этади. Малака ошириш тизими она тили ва адабиёт ўқитувчисида бадиий асарни таҳлил қилиш, адабиёт тарихи ва назариясидан билим бериш, ўқувчиларда ижодий қобилият тарбиялаш, нутқ маданиятини таркиб топтириш, ҳаётий воқеаларга дахлдорлик ва асосли фикр юритишга ўргатиш каби вазифаларни ҳал этишнинг энг мақбул усуллари кўллаш малакасини шакллантириши зарур. Ижодий ёндашув асосида она тили ва адабиёт дарси самарадорлигига эришиш учун амалга ошириладиган ҳаракатларнинг бош ижрочиси ўқитувчи бўлгач, уларда, албатта, сабоқларни ташкил этишда ноанъанавий метод, воситалардан фойдаланиш кўникма ҳамда малакасини ҳосил қилиш зарур. Зеро, она тили, адабиёт дарслари самарадорлиги филолог-ўқитувчининг назарий ҳамда амалий билимларни эгаллаганлик даражасига боғлиқдир.

Малака ошириш туфайли ўқитувчилар касбий тайёргарлиги юксалади, ўз ишига янгича назар билан қараб, ўқитиш самарадорлигини оширишга интилади. Шу каби касбий тайёргарлиги юқори бўлган она тили ва адабиёт ўқитувчиси дарсни янгича ёндашув асосида ташкил этиш учун ўқув мақсадини аниқ белгилаши ва дарсдан кўзланган натижанинг қафолатланишига эришиши кераклигини билади.

Диссертацион ишнинг «**Малака ошириш жараёнида она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологиялари**» деб номланган иккинчи бобида интерфаол ўқитиш методи ва таълим технологиялари воситасида филолог-ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш босқичлари, самарали технологиялари ҳамда интерфаол таълим муҳитида таълим берувчи ва олувчининг ҳамкорликдаги муносабатлари муваффақиятини таъминловчи омиллар, тингловчиларни масофадан ўқитиш орқали малакасини ошириш методикаси сингари масалалар тадқиқ этилган. Фаол таълим методларини ўқитувчи малакасини ошириш жараёнида кўллашнинг афзалликлари педагогик-психологик ва методик жиҳатдан асослаб берилди. Илмий таҳлил натижасида келинган хулосаларга таяниб «Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришнинг дидактик модели» ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. «Она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришнинг дидактик модели

Она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлик даражасининг пастлиги бу фанларни ўқитишдаги энг оғриқли нуқта ҳисобланади. Фан ўқитувчиларининг кўпчилигида нимани қандай ўқитиш кераклиги тўғрисида етарли тушунча мавжуд эмас. Бу уларнинг дарсни тўғри ташкил қила олмасликларига олиб келади. Она тили ва адабиёт ўқитувчилари ўз фанлари ўқитилишининг ўзига хос жиҳатларини интуитив тарздагина билишади.

Она тили адабиёт фанининг ҳар бир машғулотида ўқитувчи ўрганиладиган мавзу ва асар асосида ўқувчилар билимини бойитиб қолмай, таълим олувчиларнинг бадиий завқини уйғотиши, уларда эзгу маънавий фазилатлар шакллантириб, шахслик сифатларини қарор топтириши ҳам керак. Мактаб ўқитувчилари кўпинча дарсликда берилган таҳлил ва савол-топшириқлар билан кифояланишади. Бадиий матнни шарҳлаб ўқиш, унинг дарсликда кўзда тутилмаган маъноларини топиш, яширин бадиий маънони кашф этиш, таҳлил қилиш ва ҳаётий мисоллар асосида изоҳлаш ўқитувчи зиммасидаги асосий вазифа бўлишига қарамай, тадқиқот давомида бу вазифанинг тўлиқ бажарилганига жуда кам дуч келинди. Шу боис ўқувчиларнинг ҳам таҳлилий идроки суст, бадиий завқи яхши ривожланмаган. Бадиий матн билан ишлаш методикасини ўрганмагунча, она тили ва адабиёт ўқитувчиси адабиёт дарслари самарадорлигига эриша олмайди. Бадиий материал таълимий-тарбиявий материалга айланиб, ўзига хос «педагогик трансформация»га учрагандагина она тили ва адабиёт ўқитувчиси ўз касбий тайёргарлигини ривожлантиришга уринаётган, мустақил малака ошириш билан шуғулланаётган бўлади. Она тили ва адабиёт ўқитувчиси машғулотдан олдин қайси синфга қайси мавзунини қандай усулда ўтишини, ўрганилажак асарнинг барча қирраларини, мавзунинг турдош фанларга алоқаси қаби жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда дарс лойиҳасини тузиб олиши шарт. Шу мақсадда ёзувчи Асқад Мухторнинг «Чинор» романидан 8-синфда ўқитиладиган парчани ўрганишга оид бир неча дарс шакли келтирилди. Биз келтирган шакллар дарснинг «скелети» бўлиб, уларга қолган аъзоларни ҳам жойлаш, бутлаш лозим. Бу ҳар бир адабиёт ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасига боғлиқ. Замоनावий таълим тизимида она тили ва адабиёт ўқитиш методикасига алоҳида аҳамият берилаётганлигининг боиси ҳам бир хил «қолип»лардан қутулишдир.

Малака ошириш таълимининг она тили ва адабиёт ўқитувчилари касбий тайёргарлигини ривожлантириш ўқувчиларни муаммоли вазиятларда ўзини йўқотмаслик, муаммони аниқ кўра олиш, янгиликлардан чўчимаслик, тўғрификр юрита олиш, топқирлик, ихтирочилик, сезгирликка ўргатишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўқув жараёнида репродуктив, продуктив, ижодий усулларни ўринли қўллаш катта самара беради. Улар ўқувчини мантиқий фикр юритиш ва муаммоларни илмий асосда ижодий ҳал қилишга ўргатади, зарур билимларни мустақил эгаллашга одатлантиради, уларда қийинчиликларни енгиш кўникмасини ҳосил қилади. Ўқув-билув кечимида ижодий ёндашув ўқув материални тушунарли даражада баён қилиш ва чуқур ўзлаштириш имконини беради; ўзлаштирилган билимларнинг аниқ ва

ишончли бўлишини таъминлайди; билим олишга қизиқадиган ижодкор шахсни шакллантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот ишида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг малакасини ошириш жараёнида қўлланилганда кутилган самарани берадиган қўйдаги таълим технологиялари такомиллаштирилиб, амалиётга татбиқ этилди:

«**SWOT**» (Strengths – кучли томонлар, Weaknesses – кучсиз томонлар ёки заифлик, Opportunetiss – имкониятлар, Threats - ташқи муҳитда мавжуд хавф-хатарлар сўзларидан) технологиясида ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш, тингловчиларда маълумотларнинг муҳимидан номуҳимини ажратиш малакасини шакллантириш кўзда тутилади. Бу технологияни қўллашда бир дарс олдин мазкур аббревиатурани ташкил этувчи сўзларнинг инглизча шакли ёзиб кўрсатилади ва ёздириб қўйилади. Уларнинг ўзбек тилига таржимаси сўралади. Бу инглизча тўрт сўзнинг маъносини билиб келиш топшириғини бериш мумкин. Бу фанлараро алоқанинг кичик бир кўриниши бўлади. Адабиёт дарсларида асар қаҳрамони ёки бадиий воқелик таҳлил қилинганда ушбу методдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу методни ўқитувчи ижодий ёндашиб давом эттирган ҳолда яқунлаши керак, яъни бадиий тасвирдан ҳаётини умумлашма хулоса чиқариш топшириғини бериши мумкин. Масалан, «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Хусрав ва Фарҳод образларига қиёсий тавсиф беришда Хусрав маънан тубан эканлиги боис ҳокимият, куч-қудрат унинг шахсида ёмонлик авжланишига сабаб бўлгани айтилади. Хусравнинг ҳукмдорлиги, чексиз черик ва катта хазинага эгалиги уни ҳамма нарсани зўрлик, бойлик ҳал этади деган хулосага олиб келган. Фарҳодга хос бўлган ишонувчанлик, соддалик кишида симпатия уйғотадиган характер хусусиятидир. Лекин улар қаҳрамон тушиб қолган муҳитга кўра зарар келтирадиган атрибутлар тарзида намоён бўлди. Таълим оловчиларга шуни сингдириш керакки, демак, ижобий ёки салбий, гўзал ёки хунук кўринган нарсаларнинг ҳақиқий баҳоси баъзан инсон тушиб қолган муҳитга ва у билан муносабатга киришган одамларга боғлиқ ҳолда ўзгача қиймат касб этиши мумкин. Бундай таҳлилий ечим орқали ўқитувчи шогирдларини чигал, ғоят мураккаб, ҳамиша жумбоқ кишилиқ турмушига тайёрлайди, уларга турли ҳаётини вазиятлар, турфа сажияли инсонлар билан юзлашганда энг тўғри йўлни танлай билиш кераклигини сингдиради.

«**Т-чизмаси**» технологияси муаммони қўйиш ва ҳал қилишнинг бир қатор жиҳатларини таърифлаш ва ечишга имкон беради. Ҳар қандай технология қайси фанда, қандай дарс материалига татбиқ қилинаётганига кўра ўзгача қўлланиши табиий. Ўқитувчи технологияни ижодий давом эттирган ҳолда икки образ чизмасидаги ўзаро боғланиш мавжуд жиҳатларни аниқлаш топшириғини бериши мумкин. Ўқувчилар бу икки образ чизмасини ўрганиб, улар ўзаро тазодий муносабатларда боғланишини аниқлашлари керак. Аввало, бир гуруҳ томонидан икки образнинг биринчи жиҳати бўлган ташқи кўринишларидаги ўзаро боғланиш аниқланади.

Ошиқ ва маъшуқанинг ташқи кўринишларига кўра ўзаро тазодий боғланиши

Маъшуқанинг ташқи кўриниши ифодалари	Ошиқнинг ташқи кўриниши ифодалари
Гўзал Нигоҳи ўт Сарв қомат Қизил юзли Жисмоний баркамол в.б.	Ҳоли забун Кўз ёши қон Қадди дол Ранги сариқ Жисми заиф в.б.

Бу тазодий (ўзаро зидланган) муносабатларга ғазалларда аввало алоҳида-алоҳида келган, сўнг бир байт доирасида параллел тасвирланган мисоллар келтирилиши сўралади. Бунда ўқувчиларга дарсликдан, қўшимча материал – девон, баёзлар, тўпламлардан фойдаланишга рухсат берилади, чунки барча образларга ёддан мисол айтиш таълим олувчилар учун қийин бўлиши мумкин.

Бошқа гуруҳ маъшуқа ва ошиқ ўртасидаги тазодий муносабатни уларнинг характер хусусиятига кўра ушбу «Г чизма» технологияси бўйича киёслашга киришади.

Ошиқ ва маъшуқанинг характер хусусиятларига кўра ўзаро тазодий боғланиши

Маъшуқанинг характер хусусиятлари	Ошиқнинг характер хусусиятлари
Шўх Бепарво Шодон Бевафо Ситамгар в.б.	Хокисор Тинимсиз ёрга интилувчи Қайғуга ботган Вафодор Ишқда барқарор в.б.

Ўқитувчи йўналтирувчи саволлар воситасида тазодий воқелик аслида икки субъект (ёки объект)ни бир-биридан итарувчи, боғланиш, алоқадорликни бартараф этувчи муносабат саналиши, лекин бу бадий матнда эса уларни ўзаро боғловчи, поэтик воқеликни юзага келтирувчи восита эканлиги ҳақидаги хулосага ўқувчиларнинг ўзлари келиши адабиёт муаллимининг маҳоратини кўрсатади.

«**Тушунчалар таҳлили**» мавжуд билимлар, ўқувчилар учун ўтилган мавзуларни ёдга олиш, бирор бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб олишга ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча ўқувчиларни баҳолай олишга йўналтирилган. Бу технология

ўқувчиларни ўтилган мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олганлик даражаларини аниқлаш, билганларини эркин баён этиш, якка ва гуруҳларда ишлаш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, билимларини бир тизимга солишга ўргатади. Масалан, 9-синфда Фурқат ижоди билан мумтоз адабиётга оид мавзулар тугайди. Бу йирик бўлимга ажратилган охирги соатда мазкур методни қўллаш яхши самара беради. Бунда тушунчаларга берилган қисқа оғзаки ёки ёзма изоҳ билан кифояланиб қолмаслик лозим. Сабаби, бу тушунчалар ортида уларни тўлдирадиган, моҳиятини кенг очиб берадиган бошқа тушунчалар борлиги эсланиши, таҳлил кенгайтирилиши лозим.

«Бумеранг» технологиясидан дарс ва дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўқувчилар томонидан ўрганилган материални ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда ўқитувчи томонидан барча ўқувчиларни баҳолай олиш, дарслик ва матн билан ишлашда, амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотлари ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги дарсларда фойдаланиш мумкин. Бу технологиядан малака ошириш курси тингловчиларини соҳага оид меъёрий ҳужжатлар билан таништириш, уларга қарор, фармон, фармойишлар моҳиятини ўргатишда фойдаланиш тўла самара келтиради. 9-синфда «Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридаги Андижон тасвирини «Бумеранг»технологияси асосида ўрганиш бўйича дарс лойиҳасининг икки хил шакли диссертацияда тўлиқ ёритиб берилди.

«Блиц» сўрови таълим олувчиларда ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этиш, тез ва мантиқли фикрлаш, ўрганилаётган хилма-хил маълумотлар ичидан кераклисини танлаб олиш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш ва уларга асосли муносабат билдириш ҳамда ўз фаолиятини тўғри режалаштиришни ўргатишга қаратилган.

«ФСМУ» технологияси мунозарали масалаларни ҳал этиш, баҳс-мунозаралар ўтказиш ёки ўқув семинари якунида ўқувчиларнинг ўтилган мавзулардаги муаммолар тўғрисидаги фикрларини билиш мақсадида қўлланилади. Бу технология ўқувчиларни ўз фикрини ҳимоя қилиш, эркин фикрлашга ўргатади. Масалан, «Оқ кема» – ўлмас асар» мавзуси бўйича фикрларингизни баён қилинг.

Ф – «Оқ кема» қиссаси Чингиз Айтматовнинг энг машҳур ва ўлмас асарларидан биридир.

С – «Оқ кема» асарида яхшилик ва ёмонлик, меҳр ва шафқатсизлик, муҳаббат ва нафрат каби азалий муаммолар ўзининг юксак бадий ифодасини топганлиги боис у умрбоқийдир.

М – Мўмин чол табиатидаги соддалик, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнатсеварлик, камтарлик Ўрозкул тимсолидаги шафқатсизлик, такаббурлик каби иллатларга қарши қўйилса, болакай қалбидаги софлик, меҳрибонлик хислатлари унинг атрофдаги инсонлар, жумладан ота-онасининг унга бефарқлигига қарама-қарши қўйилади. Болакай шошиб

турганида ҳам ўзининг сеvimли тошларини эркалаб, унга эътибор билан қарайди. Аммо болакайнинг қувончига Сейдахмад ҳам, Ўрозкул ҳам арзимас бир ҳодиса сифатида эътибор қаратишмайди.

У – қайсики асарда умуминсоний қадриятлар, эзгулик улуғланар ва у юксак бадий савияда яратилар экан, у асарнинг умри боқийдир.

«Мулоқот» технологиясининг асосий мақсади танланган мавзу, муаммо асосида таълим олувчиларнинг фикрлари ҳамда ушбу мавзуга бўлган муносабатларини аниқлаш, мустақил ҳолда умумий бир фикрга келишларига ва тўғри хулоса чиқаришларига ёрдам бериш, эркин ҳолда баҳслашишларига шароит яратиш, мулоқотга киришиш ва мулоқот қила олишга ўргатиш.

Муаммоли ўқитиш замонавий таълим моҳиятини акс эттирувчи илғор метод ҳисобланади. Ундан таълим олувчиларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илғари суриш, натижаларни асослаш ва маълум хулосаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида фойдаланилади.

Малака ошириш жараёнида она тили ва адабиёт ўқитувчиларига дарсларни ташкил этиш муммоларига оид топшириқлар бериш орқали уларда билиш фаоллиги ва ижодий тафаккур шакллантирилади. Малака ошириш жараёнида муаммоли ўқитишнинг муаммоли вазиятларни ҳосил қилиш ва ҳал этиш методидан фойдаланиш она тили ва адабиёт ўқитувчиларида дарсларни самарали ташкил этишнинг шакл, метод, восита ва йўллари тўғри танлашга ёрдам беради. Мазкур метод тингловчиларга муаммонинг бир неча хил вариантдаги ечимини илғари суриш, уларнинг амалий қийматини баҳолаш, илғари сурилган муқобил вариантлар орасидан энг мосини танлаш имконини яратади.

Малака ошириш курсларида педагогик технологиянинг **модулли таълим** туридан она тили ва адабиёт ўқитувчилариларнинг мустақил таълим олишларини йўлга қўйиш, малака оширишга қадар маълум ўқув материаллари билан таъминлаш ҳамда курсдан кейин уларнинг фаолияти юзасидан мониторингини ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Модул ўзгармас, қотиб қолган нарса эмас, балки модулда белгиланган мақсадни ўзгартирмаган ҳолда уни тўлиқ амалга оширишни таъминловчи, ўзаро фарқ қилувчи турли йўллар, усуллар, воситалар қўлланилиши мумкинлигини инобатга олиб, ишда «Адабиёт фанидан дарсинг технологик харитасини ишлаб чиқиш ва лойиҳалаштириш» мавзусида берилган дарс модули ёритилди.

Модулли таълим тингловчиларни масофадан ўқитиш имконини ҳам беради. Бунда она тили ва адабиёт ўқитувчиларига ўқув материаллари компьютерли алоқа тармоғи орқали алоҳида модуллар кўринишида етказилади. Мактаб она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг малакасини масофадан ошириш курсларига жалб этиш ҳамда унинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида «Мутахассислик фанлари» бўйича ўқув-методик

таъминот ишлаб чиқилиб, тажриба-синов ишлари олиб борилди. 2012-2016 йилларда www.avloniymtk.uz манзили орқали амалиётга татбиқ этилди. (2018 йилдан мазкур портал ёпилган).

Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш жараёни андрагогик, компетентлилик, лойиҳалаш, тизимлилик, амалиётга йўналтирилганлик, шахсга йўналтирилганлик, эвристик ёндашув ва касбга йўналтирилганлик, педагогик ҳамкорлик, таълим жараёнини инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, модулли ўқитиш, кўрғазмалилик сингари тамойиллар асосида амалга оширилди. Унинг мазмун компоненти ўқитувчилар масофавий малакасини ошириш курсининг «Мутахассислик фанлари» блоки бўйича модулли ўқув дастурлари, она тили ва адабиёт фани назарияси ва ўқитиш методикаси, бу фанларни ўқитиш жараёнига педагогик технологияларнинг татбиқи, бу жараёнда ахборот технологияларидан фойдаланиш модулларининг ўқув-методик материаллари ва улардан фойдаланиш бўйича методик тавсиялардан иборат.

Она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг масофавий малакасини ошириш жараёнининг технологик компоненти – ўқув материалларини мустақил ўқиш ва мавзуларга оид ижодий топшириқларни бажариш; интернет тармоғи орқали машғулотларда иштирок этиш; тармоқ орқали оралиқ назорат ишларини бажариш; контакт-сессия машғулотларида иштирок этиш ўқитиш шаклларида олиб борилди. Она тили ва адабиёт ўқитувчиларини масофадан ўқитиш курсининг баҳолаш-назорат компонентлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материали билан мустақил ишлаганлиги;
- жорий назоратни мустақил бажарганлиги;
- оралиқ назоратни мустақил бажарганлиги;
- интерфаол ҳамкорлик тизимидаги иштироки.

